

КЕКСАЛАРНИ ЭЪЗОЗЛАШ – БИЗНИНГ ФАРЗАНДЛИК БУРЧИМИЗДИР

Инсон, халқ, миллат тарихий хотира билан тирик ва барҳаётдир.

Хотира – ўтганларни эслатиб туради, ўзликни англатади. Кадр–инсонни улуғлайди, жамиятни безайди. Хотира ва кадрлаш куни мазмун-моҳиятида ана шундай эзгу тамойиллар мужассам.

“Кексаларга эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш, оғирини енгил қилиш, кадрлаш ва эъозлаш барчамиз учун, аввало, ҳукумат ва ҳокимият раҳбарлари учун ҳам фарз, ҳам қарз” деб таъкидладилар Мухтарам Президентимиз Ислон Каримов.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда тинчлик-осойишталик, ҳамжамиятлик ва бағрикенглик мустаҳкам қарор топди. Катталарга ҳурмат, кичикларга иззат, меҳр-оқибат туйғулари одамлар қалби ва шууридан чуқур жой олди. Аждодлар хотирасини ёд этиб, эзгу ишларни давом эттириш, бугун сафларимизда юрган, элу юрт тинчлиги ва равнақи йўлида хизмат қилган кексаларни эъозлаш маънавий ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланди.

Нуронийларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, ҳаётини мазмунли қилиш, кўнглини кўтариш йўлида амалга ошириб келинаётган ишлар изчил давом эттирилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 13 октябрдаги “1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат fronti фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида асосан уларни ижтимоий ҳимоялаш кўлами янада кенгайди. Хусусан, уруш ва меҳнат fronti фахрийлари йилига бир марта санаторий-соғломлаштириш муассасаларида бепул даволаниш имкониятига эга бўлди.

Президентимиз ташаббуси билан 2015 йил мамлакатимизда Кексаларни эъозлаш йили, деб номланди. Шу муносабат билан қабул қилинган Давлат дастури доирасида ёши улуғ инсонларнинг ҳаёт даражаси ва сифатини янада яхшилаш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш кўламини кенгайтириш, тизимли асосда соғломлаштириш каби хайрли ишлар амалга оширилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 19 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси фуқаролари – 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат fronti фахрийларини “Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 70 йиллиги” эсдалик юбилей медали билан мукофотлаш тўғрисида”ги фармонлари кексаларимизга кўрсатилаётган эъоз ва эҳтиромнинг мантиқий давоми бўлди. Мазкур фармонларга мувофиқ уруш қатнашчилари ва ногиронларига юбилей медаллари, пул мукофотлари ва байрам совғалари тантанали равишда топширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 14 апрелда қабул қилинган “Кексаларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва моддий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони нуронийларимизга қўшимча рағбат, катта руҳий мадад бўлди.

Бу йил Хотира ва Кадрлаш кунининг Кексаларни эъозлаш йилида нишонланаётгани унинг аҳамиятини янада оширмоқда. Байрам “Жасорат, бурч, матонат” шиори остида кенг нишонланмоқда.

Истиқлол шарофати ила иззат-ҳурмат топган барча нуронийларимиз – бугунги куннинг энг бахтли, беками-кўст кишилари. Чунки улар мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ ҳамиша эъзоз, эҳтиром оғушида умргузаронлик қилиб келишмоқда. Президентимиз раҳнамолигида мустақиллик ва инсон манфаатлари олий қадриятлар даражасига кўтарилиб, унинг ривожини йўлида бардавом этиб келаётган амалий ҳаракатлар ҳақида ҳар қанча гапирсак, фахрлансак-да, оз. “Қарияларни қадрлаш йили” ва “Кексаларни эъзозлаш йили” сифатида тарихда муҳрланиб қолаётган жорий йилда бундай саъй-ҳаракатларнинг амалга оширилиши ана шу миллат ва юрт саховати, қадр-қимматининг ёрқин намунасидир. Ўз оиласида эъзозланган ҳар бир киши, албатта, эл-юртдан эҳтиром кўради. Юртимиздаги кексаларни эъзозлаш, ҳурматини жойига қўйиш, меҳр-оқибат, ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш борасидаги эзгу ишлар жаҳон аҳлининг ҳавасини келтиради. Бундай ютуқлар ҳамиша улуғвор ва бардавомдир.

Яқинда 9 май – Хотира ва Қадрлаш куни мамлакатимиз бўйлаб кенг нишонланди. Муҳтарам Юртбошимиз бу улуғвор байрам тадбирларида иштирок этиб, иккинчи жаҳон урушида жон фидо қилган юртдошларимиз хотирасига ҳурмат бажо келтирди. Унинг оммавий ахборот воситалари вакиллари билан бўлиб ўтган самимий, пурмаъно суҳбатларидан кўнглим фахр-ифтихорга тўлди. Юртимизда ҳукм сураётган тинчлик, хотиржамлик, фаровонлик қанчалик қадр-қимматли эканлигини дилдан ҳис этдим. Албатта, фашизм устидан қозонилган ғалаба осонлик билан қўлга киритилгани йўқ. Бу жангоҳларда қанчадан-қанча мард акаларимиз, оталаримиз, оға-иниларимиз ўз жонларини қурбон қилишди. Дилбандини фронтга кузатиб, фарзанд доғида қуйган оналаримиз, суюкли ёрлар фиғони хануз дилларни ўртайди.

Президентимиз фашизм устидан қозонилган ғалаба нақадар қимматга тушганини юртимизда яшаётган ҳар қайси оила, ҳар қайси одам чуқур англаши, қалбидан ўтказиши кераклигини алоҳида таъкидлаб ўтди. Бу бежиз эмас, албатта. Атрофда рўй бераётган зиддиятлар ва қарама-қаршилиқлар, тинчликни кўролмаётган ғаламис кимсалар қилмишларидан ҳамиша хушёр ва огоҳ бўлиб яшашимиз, фарзанд ва набираларимизга ўз туғилган юртини кўз қорачиғидек асраш, ота-боболардан мерос бўлиб қолган, ўз киндик қони тушган замин, она Ватанни муқаддас билишни уқтиришимиз, унинг эртанги куни учун борлигини беришга тайёр юрт ёшларини камол топтириш, тарбиялашда ўз билим ва ҳаётини тажрибаларимиз билан баҳоли қудрат ҳисса қўшмоғимиз зарур. Биз ўз танлаган йўлимизда дадил боряпмиз, мақсад ва вазифаларимиз – тинчлик, хотиржамлик, эл-юрт фаровонлиги.

Биз ҳақиқатан ҳам гўзал, бетакрор заминда яшаймиз. Шу ўринда Юртбошимиз таъкидлаб ўтган муҳим жиҳатга эътибор қаратсак: “Биз ким эдигу ким бўлдик?” деган саволни олдимизга қўйиб, ҳозирги ҳаётимизни кечаги кунимиз билан солиштирадиган, қиёслайлиган бўлсак, ўйлайманки, орамизда Ватанимизнинг бугунги тараққиёти билан фахрланмайдиган, буни қадрламайдиган одамнинг ўзи йўқ, десам, адашмаган бўламан”.

Чиндан ҳам халқ фаровонлиги, дастурхонлар тўкинлиги, юрт ободлиги йўлида амалга оширилган салмоқли ишлар тўғрисида ҳар қанча гапирсак, ғурурлансак оз. Айниқса, Президентимиз таъкидлаб ўтган хушxabар барчамизни ғурурлантиради. Социологлар томонидан ўтказилган “Дунёнинг энг бахтли мамлакатлари” деган мавзудаги тадқиқотлар ҳулосаси қанчалик бахтли мамлакатда яшаётганимизни бутун дунёга кўрсатди. Демак, Муҳтарам Юртбошимиз раҳнамолигида олиб борилаётган ислохотлар самарасини бутун дунё эътироф этмоқда. Ҳозирги осуда ва фаровон ҳаётимизга ҳар қанча шукроналар айтсак, камлик қилади. Давлатимизнинг эътибори, навқирон авлоднинг иззат-икроми туфайли биз – нуронийлар бардам, куч-ғайратга тўлиб юрибмиз.

Бундай кенг кўламли ислохотлар ҳар жабҳада кулоч ёймоқда. Жумладан, вилоятимизда Президентимизнинг “1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат fronti фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ижросини тўлиқ таъминлаш, уруш ва меҳнат фахрийларини эъзозлаш, осойишта ҳаётимизни асраб-авайлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Ҳозиргача 305 нафар уруш фахрийсига Юртбошимиз томонидан таъсис этилган 700 минг сўмлик пул мукофотлари ҳамда “Эҳтиромнома”лари, уларнинг ҳар бирига аналогли ва рақамли сигналларни қабул қиладиган 340.900.0 сўмлик телевизорлар, ҳамда, 32.702.0 сўмлик уяли телефон аппаратлари, 462 дона “Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 70 йиллиги” эсдалик юбилей медаллари байрамона руҳда ўз эгаларига тантанали равишда топширилди. Шунингдек, Мудофаага кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилоти томонидан ҳар бир уруш қатнашчисига 60 минг сўмлик озиқ-овқатлар, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси вилоят бўлимининг 300 минг сўмлик пул мукофотлари, вилоят “Дори-дармон” акционерлик компаниясининг дори кутилари, ҳокимликлар томонидан ажратилган совғалар етказиб берилди.

“Нуроний” жамғармаси томонидан ҳар бир уруш қатнашчиларининг яшаш шароитлари ўрганилиб таҳлил этилди, таъмирга муҳтож уй-жойлар таъмирдан чиқарилди. Жойларда соғлиқни сақлаш муассасалари ходимларининг амалий саъй-ҳаракатлари билан уруш қатнашчилари, меҳнат fronti иштирокчилари тиббий кўрикдан ўтказилди. Ўқув юртлари, ташкилот ва корхоналар, ҳарбий қисмларда уруш қатнашчилари билан учрашувлар, вилоятимиз шаҳар ва қишлоқларида амалга оширилган ободончилик, бунёдкорлик манзиллари бўйлаб мароқли саёҳатлар уюштирилмоқда. Мана шундай дориломон кунларни кўрган кексаларимиз қалблари фахр-ифтихорга тўлмоқда, юрт тинчлиги, осойишталигини алқаб, дуолар қилишмоқда. Ахир, севинмай бўладими?! Инсон қадри улуғланган, тинчлик, хотиржамлик барқарор юртда яшайпмиз. Жойларда амалга оширилаётган улкан бунёдкорликлар, халқ манфаати, эртанги кун, ёшларимизнинг ёруғ истиқболи йўлида яратиб берилган имкониятлар фараҳбахш кунлардан далолат бериб турибди.

Байрам арафасида вилоятимиздаги 942 та қабристонларда кенг кўламли ободонлаштириш ишлари бажарилиб, 109 та қабристонлар намунали ҳолатга келтирилди. Вилоят ҳокимлиги, “Нуроний” жамғармаси фаоллари ташаббуси билан Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, юз ва юз ёшдан ошганлар, ўзгалар кўмагига муҳтож кексалар ҳолидан хабар олиниб, уларга моддий, маънавий кўмак бериб келинмоқда. Биргина Фарғона тумани ҳокимлиги ташаббуси билан ҳар бир уруш қатнашчиларига 600 минг сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари уйларига олиб бориб берилди.

Энг муҳими, вилоятимизда ёши улуғлар, уруш ва меҳнат фахрийларига кўрсатилаётган ғамхўрлик, адоғи йўқ меҳрибончиликлар ҳақида жуда кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Маҳалла-куй, турли идора, ташкилотлар вакилларининг эътибор ва эҳтиромлари нуронийлар умрига умр қўшмоқда. Шу боис ҳам бу мунаввар кунлар учун ҳар қанча шукроналар айтсак, камлик қилади. Президентимиз таъбири билан айтганда, “бизнинг тилагимиз, истагимиз шуки, Яратганимиз биздан ўз марҳаматини дариғ тутмасин, ёмон кўзлардан ўзи асрасин, эзгу ишларимизда доимо ўзи мададкор бўлсин”.

Вилоят халқ таълими ходимларини
қайта тайёрлаш ва уларни малакасини
институти “Ижтимоий-иқтисод фанлар”
кафедраси ўқитувчиси

А.Отажонов